

МАҲАЛЛА БЮДЖЕТИ ВА ЖАМОТЧИЛИК НАЗОРАТИ

М.П.Юнусова

Докторант

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7559731>

Аннотация: Мазкур тезисда маҳалла бюджетини яратиш жараёнида жамоатчилик назоратини кучайтириш йўллари ҳақида сўз боради. Жамоатчилик назорати маҳалла фаолиятининг муҳим йўналиши бўлиши кераклиги қайд этиб ўтиалди.

Калит сўзлар: Жамоатчилик назорати, ўзини ўзи бошқариш, бюджет, фуқаролик жамияти

Биз томондан юқорида таклиф этилган икки масала – маҳалла бюджетини яратиш ва маҳалланинг маҳаллий давлат ҳокимияти органи сифатидаги ваколатларини қонуний белгилаш жамоатчилик назорати жараёнида ижобий натижа бериши мумкин. Шу билан биргаликда маҳалла фуқаролар йиғинлари томонидан давлат ҳокимияти органларига жамоатчилик назоратининг турли шакллари бўйича юборилган сўровномалар ва қабул қилинган қарорларни назорат қилишнинг электрон платформасини яратиш зарур. Умуман олиб қараганда, маҳалладаги сайлов жараёни, маслаҳатчилар таркибини шакллантириш, жамоатчилик назорати ва маҳалланинг бюджетини назорат қилиш учун Ўзбекистон Республикасида ягона бўлган “МАҲАЛЛА” порталини яратиш ва шу орқали маҳалладаги жараёнларни ошқора тарзда кузатиб бориш имкониятини яратиш керак. Шунингдек, ушбу платформага маҳалла фуқаролари томонидан жамоатчилик назоратига доир масалаларни кўтариш, маслаҳатчилар томонидан ушбу муаммони тасдиқлаш ва маҳалла раиси томонидан жамоатчилик назоратини амалга оширишга доир чора-тадбирларни кўриш механизмини яратиш керак.

Умуман олганда, маҳалланинг жамоатчилик назорати бўйича улкан ресурслари мавжуд. Агар ушбу салоҳият ишга солинадиган бўлса, жуда кўп муаммоларга ўз вақтида ечим топиш мумкин бўлади. Коммунал хизматлар, тиббий, таълим ва бошқа соҳаларда умуммиллий миқёсда самарали жамоатчилик назорати ўрнатиш мумкин бўлади.

Маҳалла фуқаролар йиғинида яна бир муҳим йўналиш – маҳалла ўз бюджетини ташкил қилиш билан боғлиқ чора-тадбирлардир. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан 2023 йил 1 январдан бошлаб синов тариқасида айрим маҳаллаларда мулк солиғини маҳалла бюджетига йўналтириш бошланади[1]. Бу эса маҳалла фуқаролари йиғинларининг том маънода демократик институт сифатидаги иш фаолиятига моддий асос

бўлиб хизмат қилиши мумкин. Маҳалла фаолларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларнинг маҳалланинг ўзидан тўланиши ҳамда мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун зарур бўлган маблағларнинг манбаси яратилгани жуда катта ижобий қадам бўлади. Шу билан биргаликда маҳалланинг молиявий имкониятларини кенгайтириб бориш йўли унинг муниципал бирлик ва давлат ҳокимияти органи сифатида тан олинаётганининг яққол далили ҳамдир. Маҳалладаги молиявий имкониятлар жамоатчиликнинг манфаатларига, уларнинг муаммоларини ҳал қилишга йўналтирилиш сиёсатини давом эттириш, бу борадаги қуйидаги масалаларга алоҳида урғу бериш зарур деб ҳисоблайман:

биринчидан, маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида истиқомат қилаётган Ягона ижтимоий реестрга киритилган фуқароларга моддий ёрдам ва бошқа маблағларни маҳалланинг ҳисоб-рақамида тўғридан-тўғри молиялаштириш;

иккинчидан, маҳалла ҳудудидаги қабристон (дафн этиш жойи)нинг сақлаб туриш харажатларини туман бюджетидан маҳалла бюджетига ўтказиш;

учинчидан, ички кўчаларни таъмирлаш ва сақлаб туриш сарф-харажатларни маҳалла ҳисобидан амалга ошириш;

тўртинчидан, маҳалладаги айрим фуқароларнинг тўй ва дафн маросимларига моддий ёрдам бериш;

бешинчидан, меҳнат фахрийларини сиҳатгоҳларга юбориш ва. ҳ.к.

Юқоридаги сарф-харажатларни молиялаштиришда ер ва мулк солиғини ундиришдан тушган маблағлар ҳамда йиллик харажатлардан келиб чиқиб, туман, вилоят ёки республика бюджетидан бериладиган субсидия – ёрдамлар ҳисобидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқдир.

References:

1. <https://uza.uz/uz/posts/endi-har-bir-mahallaning-oz-byudzheti-boladi-415183> - Энди ҳар бир маҳалланинг ўз «бюджети» бўлади
2. Asadovich, Muxamedov Asror. "PHILOSOPHICAL INTERPRETATION OF ISSUES OF SPIRITUAL PERFECTION IN THE WORK" KUTADGU BILIG". *Thematics Journal of Social Sciences* 8.2 (2022).
3. Egamberdiyev, Azizbek. "PHILOSOPHICAL ASPECTS OF YOUTH ACTIVITY." *Zbiór artykułów naukowych recenzowanych.*: 91.